

“Йил аёли 2024” миллий танловининг туман босқичи ўтказилди



Қумқўрғон туман Оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан жамиятда ижтимоий фаол бўлган ҳар жиҳатдан ибратли хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш, илғор иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида “Йил аёли” миллий танловининг туман босқичи о‘тказилди.

Танловда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳиссасини кўшиб келаётган, юксак маънавиятли, оилада ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш билан бирга ўзи фаолият кўрсатаётган ташкилот нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган турли соҳа эгалари бўлган аёллар қатнашди.

Танлов ғолиблари ва иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.